



Тасаввуф хакида бироз бўлса ҳам хабардор бўлган киши «шатахот» сўзининг фақат тасаввуфда ишлатилишини ва у сўфийларнинг ўзларини йўқотиб қўйганда айтадиган, тушуниб бўлмайдиган, сиртдан караганда айб, таъвийл қилганда маъно касб этадиган сўзлари эканини билади.

Аслида, «шатахот» сўзи «харакат» ва «тўлиб тошиш» маъносини англатади. Журжоний шатахотни куйидагича таърифлайди:

«Шатахот кўпол хидли ҳамда яхшилик даъвосига далолат қилувчи сўз бўлиб, ахли маърифатдан изтирор ва изтироб пайтида содир бўлади. У, мухаккиklarнинг тойилишларидир. У, орифнинг айтган ҳаққ даъвоси бўлиб, илохий изнсиз айтилган гапдир».

Шатахот сўфийнинг огзидан оддий ҳолатда эмас, балки жазб ва каттик таъсирланиш оқибатида чиқади. Зикр ила Аллох таолога етишиб қолган сўфий ўзини йўқотиб қўйиб, нима деяётганини билмай қолади.

Дастлаб бу каби холатлар Куръони Карим тиловати давомида юзага келар ва таъсирланган сўфийлар хушларидан кетиб йикилар эдилар. Кейинрок бу нарса сўфийларнинг газал услубида рамз билан айтган шеърларидан таъсирланишга ҳам ўтди.

Уламолар, хатто, баъзи сўфийлар ҳам шатахотларни каттик танкид қилишган. Айникса, шайх Ахмад Рифоъий рахматуллохи алайхи Халложга ва унинг шатахотларига карши каттик хужум қилган:

«Халлождан унинг «Аналхакк» – «Хак менман» деганини накл қиладилар. У ваҳми ила хато қилган. Агар у хакқда бўлганида, аналхакк демас эди».

Агар сўфийларга ўзларидан содир бўлган шатахотлар учун маломат сўзлари айтилса, улар ўзларини химоя қилиб, тушунарли сўзлар билан шатахотларини тафсир қилган холлари ҳам бўлган.

Ибн Арабий бир вақт куйидаги байтни айтган:

«Эй, мени кўрадиган ва мен Уни кўрмайдиган зот!

Канчалар Уни кўраман-у, У мени кўрмайдиган зот!»

Бу гаройиб маънодаги байтни эшитганлардан би-ри унга «Кандок қилиб сен Уни кўрасан-у, У сени кўрмайди?!» деган.

Ибн Арабий дархол яна байт ўқиган:

«Эй, мени жиноятчи кўрадиган ва мен

Уни азобловчи кўрмайдиган зот!

Канчалар Унинг неъматин кўраман-у,

У менинг ёлборганим кўрмайдиган зот!»

Сўфийларнинг шатахотга йўл қўйганлари икки хил бўлганини таъкидлашимиз лозим. Зикр холига гарк бўлиб, ўзини билмай қолганда шатахотга йўл қўйиб, хушёр холга қайтганда ўзини оқлов сўзлари айтганлар ва хушёр холида ҳам шатахотда давом этаверганлар.

Биринчи тоифани маъзур топилган. Бунга ал-Хасрийдан накл қилинган куйидаги иқтибос далил бўла олади:

«Жунайд тамаққунли одам эди. Унинг ўзидан кетиши йўқ эди. Амр ва наҳйни улуглар эди. У, йўлни аслидан олган эди. Шунинг учун ҳам, у барча тоифаларга макбул бўлгани ажабланарли эмас».

Иккинчи тоифа номақбул топилган. Бу тоифанинг энг машхур арбобларидан бири Мансур Халлождир. У ўзининг машхур шатахотини айтганда, хушёр холида ундан қайтиши талаб қилинган. Аммо Халлож хушёр холида ҳам гапидан қайтмаган. Шу тарзда тўққиз йил ўтган. Ўшанда ҳам айтганидан қайтмаганидан кейингина Халлож катл қилинган.

Аммо, вақт ўтиши билан шатахотлар барҳам топган. Машхур сўфийлардан Жийлоний ва Рифоъий шатахотга йўл қўйиш у ёқда турсин, уни каттик танкид ҳам қилишган.

Ўз шеърлари ва гапларида қадах, май, лайло каби истилохларни ишлатган сўфийлар ҳам кўп бўлган. Бундай истилохларни сўфийларнинг ўзлари «рамз», «ишора» ва «лагз» дейдилар.

Ахли тассавуфнинг бундай услубни қўллагани сабаблари хақида Мисрдаги «Ашийраи Мухаммадия» тарийкати шайхи Мухаммад Закий Иброхим, жумладан, куйидагиларни айтади:

«Баъзи сўфийлар ўз шавку завкларини, эхсосларини ифода этиш учун киноя ва истиора йўли ила рамз, ишора ва лагзларни ишлатганлар. Улар шу иш билан танилиб, «ахли ишора» номини ҳам олганлар. Уларнинг бундай килишларининг бир неча сабаблари бор:

1. Одатдаги сўз ва иборалар уларнинг шуурлари, эхсослари ва шавку завкларини тўла ифода килишга камлик килгани.

2. Хар бир илмининг ўзига хос истилохлари бор. Суфийлар ҳам ўзларига хос истилохларни ишлатсалар нима бўлибди?!

3. Зулм ва истибдод шароитида, очик гап учун жазоланиш муваққат бўлиб турганда, хар ким ўзлигини билдириши лозим бўлганда, сўфийлар томонидан мазкур услуб қўлланган». Шунингдек, баъзи сўфийлар зохирида шариатга хилоф ёки хурматсизлик бўладиган гапларини айтганликлари ҳам бор. Улар ҳам, ўзларича, буни «завкни ўзига хос услуб билан изхор килиш» дейдилар.

Аммо баъзи катта сўфийлар бу ишларнинг ҳам-масини ҳам коралаганлар. Мисол учун, шайх Ахмад Рифоъий рахматуллохи алайхи куйидагиларни айтадилар:

«Аср кишиларидан баъзи биродарларимизнинг:

«Монастир олдида зунноримни боғладим.

Мен учун химо факихидан ўч олинг, дедим», деб ёзганлари ажаб.

Гўёки, у бундан бошқа маъноларни ирода килган эмиш! Бу каби сўзларни зинхор қабул килманг. Шайх хазратлари хақида яхши гумонда бўлишимиз лозим. Аммо дийнимизга бўлган одобимиз ундан ҳам кўпроқ лозим. Хакк тарафида туришимиз ҳаммасидан ҳам мухим.

Биз зуннор боғламаймиз. (Зуннор – гайридийнлар ўзларининг гайридийнлигининг белгиси сифатида боғлаб юриши лозим белбоғ) Биз монастир эшиги олдидан ҳам ўтмаймиз. Биз факихнинг кўлу оёгини ўпамиз. Биз ундан дийнимиз илмини ўрганамиз.

Биз: «Шайх бу лафзлар ила ўзи беркитган мақсадларни талаб килди», деймиз. Шоядки, у талаб килган ҳам, беркитмаган ҳам бўлса эди ва ўшанинг ўрнига:

«Шариат эшиги олдида зунноримни ечдим.

Илохий фикх ила асроримни пок этдим.

Монастир ва зуннор иккиси ҳам залолатдир.

Борий зотга етишиш эшиги ёлғиз шариатдир», деса яхши бўларди».

Хозирги кунимизда шатахотлар асосан, тарих бўлиб қолган. Тасаввуфни ва унинг тарихини, мутасаввифларнинг шеъриятини ўрганган кишиларгина бу масалага дуч келадилар.

Бохислар «Нима учун тасаввуф қолса ҳам, шатахотлар йўқ бўлиб кетди?» деган саволга икки хил жавоб берадилар.

Биринчи жавоб: кейинги пайтда фанода ва истигрокда олдинги сўфийларнинг даражасига етадиган сўфийлар чикмай қолди.

Иккинчи жавоб: аввалда баъзи суфийлар даъво қилган ўзини йўқотиб қўйиш ва шатахот даражасига етиш ҳоллари қалбаки бўлган. Хозирда ўша қалбакилик йўқолган.

Бизнинг фикримизча, икки сабаб ҳам қисман тўғри бўлса керак.

Шатахотларни ўрганган олимлар яна бир саволни қўзғаб, унга ўзлари жавоб берадилар.

Мусулмонлардаги тасаввуфга ўхшаш ҳолат бошқа дийнларда, жумладан, масийхийлик ва яҳудийликда ҳам бор. Аммо шатахот фақат мусулмонларда бор. Нима учун бу нарса мусулмонларда бор-у, масийхийлик ёки яҳудийликда йўқ?

Жавоб куйидагича:

«Шатахотнинг мусулмонларда зохир бўлишининг сабаби Исломда Холик билан махлукнинг орасидаги барча фарқлар очик-ойдин ёритиб берилган. Шу билан бирга, Исломда Робб билан банданинг орасида восита ва тўсик бўлиши мумкин эмас. Мухлис банданинг калби доимо ўз Роббига етишишга интилади. Ана ўша талаб тасаввуф оркали кондирилган.

Масийхийликда эса, банда билан Робби орасида ёпик эшик бор. Роббга етишиш учун воситачи бўлиши керак. Воситачисиз У зотга мутлако етишиб бўлмайди.

Яхудийликда иш бундан ҳам мураккаб. Яхудийларнинг эътиқоди бўйича Илох газабнок, касоскор ва жаббордир. У доимо чакмок, тўфон ва турли бало офатларни юбориб туради. Шунинг учун ҳам, уларнинг эътиқодига кўра, Робб билан банда ўртасида мухаббат ва унс бўлиши мумкин эмас.

Аммо, бугунги кунимизда шатахотлар каби холатларни исталганча топишимиз мумкин. Бундай холатлар оддий ҳаётимизда ҳам, турли санъатларимиз намуналарида ҳам (хусусан, абстрактсинизмга асосланган асарлар ва уларнинг муаллифларида), ишкий илохий шеърятимизда ҳам, бугунги тасаввуфчиларимиз орасида ҳам учраб туради. Буларнинг орасида мутлако билимсизлиги туфайли шундок холга тушиб, ўзининг ахволдан бутунлай беҳабарлари ҳам, шариатни яхши билмай туриб тарийкатда эканини даъво килувчилар бор. Ва аксинча, шариатга ҳам, тарийкатга ҳам иложи борича кўпрок амал килишга интилганлари ҳам озми-кўпми учраб туради.

Лекин буларнинг холатлари том маънодаги шатахотлар эмас. Кўпинча бу холатлар сунъий равишда ўзини телбаликка солиш ёки таквосизлиги оқибатида айтаётган сўзининг фаркига бормасликдан келиб чиқади. Шаръий билимларни чуқурроқ ўрганиш ила бундай холатлар тез бархам топишига ишончимиз комил. Валлоху аълам.

Аслини олганда, шатахотдан аввалги жазб холати, яъни Аллох азза ва жалланинг мухаббатига гарк бўлиш ва ўзни унутиш кўпгина мутасаввифлар орзу килган юксак макомдир. Аммо, бу маком айни пайтда зўр бир синовдир.

«Фано филлох»нинг маъноси Аллохга кўшилиб кетиш эмас, балки Аллох таолонинг амридан ташкари барча орзу хохишларини батамом ташлашдир. Зеро, банданинг тўлик бахти учун Аллох таоло унга амр килган нарсаларнинг ўзи кифоя килади. Шунинг учун, бу холатга етишган банданинг Аллох азза ва жалланинг амрларини ва наҳйларини севиб қабул килмоги ва Роббул оламийн истагандай солих бир банда бўлмоги талаб килинади. Бу талабни тўғри англаган солик жазб холатидан шукр макомига ўтади. Бу талабни англамаган ва Аллох таолонинг якинлиги завқини калби кўтаролмаган, Аллох таолонинг Роббул оламийн эканини ҳамда унинг исмлари ва сифатларини тўлик идрок килишдан ожиз колган ва ўзининг бандалигини, тобеълигини, махлуклигини унутган солик шатахотга тушади. Аммо, ўзини тезда ўнглаб, тавба килса, яна аввалги макомига кайтади. Шатахотда қолиб кетса, шариат тарафидан мазаммат килинади. Шатахотида собит туриб фитнага сабаб бўлса, жазога тортилади.

Кизиги шундаки, шатахот холатини окловчилар ҳам, бундай холга тушган одамларнинг ўзлари ҳам силсилаларининг бошида Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ва у зотнинг энг якин сахобалари бўлмиш Абу Бакр Сиддик ва Умар ибн Хаттоб розияллоху анхумо турганларини иддао килишади. Агар шундай бўлса, нега улар ўз силсилаларининг бошида турган улуг устозларга хилоф киладилар?

Ибн ал-Хож раҳматуллохи алайхининг «ал-Мадҳал» номли китобларида Ибн Зубайрдан куйидагича ривоят килинади:

«Отамнинг олдида борган эдим:

«Каерда эдинг?!», – деди.

«Аллохни зикр килаётган бир кавми кўриб колдим. Улардан бири Аллохдан кўрканидан хушидан кетиб колар эди. Улар билан бирга ўтирдим», – дедим.

«Бундан кейин улар билан ўтирма!», – деди.

Ўзининг бу гапи менга унча таъсир килмаганини кўриб, яна:

«Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг Куръон тиловат килганларини кўрдим.

Абу Бакр ва Умарнинг Куръон тиловат килганларини кўрдим. Улар бундок бўлмас эдилар. Сен халигиларни Абу Бакр ва Умардан кўра кўпрок Аллохдан кўркади, деб ўйлайсанми?!», – деди.

Мен уларни тарк килдим».

Сахобалар розияллоху анхумнинг шатахотларга муносабатлари ана шундай бўлган.

Бинобарин, шатахотлардан хайратга тушувчилар, шатахот эгаларини улугловчилар ушбу хадис маъносини яхшироқ ўйлаб кўрсалар, фойдали холий бўлмасди.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, роҳимахуллох
"Тасаввуф хақида тасаввур" китобидан